



ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ТОЖИКЗАБОН ШОИРЛАР ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР

*Шерназаров Акмал Андиёқулович,
СамДУ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: адабий таъсир, маҳаллий тожикзабон шоирлар, Қашқадарё воҳаси, фольклоризмлар, фольклор ва ёзма адабиёт, поэтик анъаналар.

Фольклор асарлари жуда қадимдан ёзувчи ва шоирларнинг эстетик идеалини бойитишида битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилиб келган. Жуда кўп сўз санъаткорлари халқ ижодига қайноқ меҳр ва катта эътибор билан ёндашиб, асарларз яратишган. Бундай тажрибани бевосита Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий тожикзабон ижодкорлар орасида ҳам кузатиш мумкин.

Адабиётшуносликда фольклоризмлар муайян тизим сифатида ўрганилиб, унинг бир неча ички кўринишлари аниқланган [2, 3, 6]. Фольклоризмнинг ҳар бир кўриниши ўзига хос табиатга эгаллиги, бадиий-эстетик вазифаси билан алоҳидалик касб этади. Хусусан, унинг жанр, мотив, образ ва ритмни стилизация қилиш асосида яратилган кўринишлари фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини янада мустаҳкамлайди.

Фольклорнинг бадиий қудратини дилдан чуқур англаган ижодкоргина унга эргаша олади. Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий тожикзабон ижодкорлар орасида ҳам бундайлар бор. Жумладан, Қашқадарё шоирлари Норхожа Чориев, Жуманазар Эшонқулов, Ғелоний таҳаллуси билан қалам тебратиб келаётган Абдумалик Ҳамидов, яна ғелонлик Шоназар Ҳақназаров ҳамда Меҳмон Нарзиқуловлар шеърий асарларида фольклор мавзу ва ғояларидан, образларидан, бадиий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланилгани, шу йўл билан улар ўз асарларининг халқчил бўлишига интилишганини кузатишимиз мумкин. Бу жиҳатдан Ғелоний таҳаллуси билан ижод қилиб келаётган Абдумалик Ҳамидов шеърлари алоҳида эътиборни тортади.

Касбига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасининг мутахассиси бўлган бу инсон ўзи яшаб турган ҳудудга хос оғзаки поэтик анъаналардан завқ олиб, кўпдан бадиий ижодга қўл уриб келмоқда. Унинг ижод дурдоналаридан тузилган шеърий тўплами тожик тилида “Ғелони ман – қони ман” номи билан 2011 йил Тошкентда чоп бўлган. Тўпламдан жой олган шеърлар орасида халқнинг баҳорий анъаналарини мадҳ этувчи “Наврўз омад”, “Таровати баҳор”, “Суманак”, “Омад баҳори нозанин”, “Борон меборад”, тўй қўшиқлари руҳида яратилган “Тўйи висол”, “Духтари азизам туй”, марсия (йўқлов) характеридаги “Дилам пора – пора шуд”, “Туро дигар намеёбам”, “Ёдгорй”, халқ болалар қўшиқлари мазмуни ва оҳангида битилган “Гулу лола баромад”, “Оши момом бомаза”, “Духтаракам калон шуд”, “Набераи ман”, “Ало духтар”, шунингдек, топишмоқ жанрига хос “Чистонҳо”, яна бир қатор ҳажвий шеърлар бевосита фольклорий жанрлар, образлар, мотивлар ва оҳанг стилизацияси ҳосиласи экани билан эътиборни тортади. Ижодкор қўлланган фольклоризмлар у яратган шеърий асарларнинг бадииятини ва халқчиллигини оширишга хизмат қилган. Айниқса, ижодкор фольклордаги умуминсоний ахлоқий қарашларни ёзма бадиий ижодга бевосита фольклоризмлар воситасида кўчиришга, ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга садоқат туйғусини қарор топтиришда этнографик фольклоризмлардан фойдаланишга ҳаракат қилгани эътиборлидир.

Абдумалик Ҳамидов ўзи яратган чистонлардан бирида кўз ва киприкни шундай метафоралаштирган:

Дараки шона-шона,



Даруни дута хона.
Ду дурбини замона,
Шона дар рӯи шона[1, 102].

Муаллиф кўзга ишора сифатида дурбин образидан фойдаланмоқда. Бунда у кўз ва дурбиннинг “кўриш” вазифасини назарга тутгани аён. Маълумки, халқ топишмоқларида кўзнинг миқдоридан келиб чиқиб, унга нисбатан “икки” сифатлаши кенг қўлланади. Шу анъанага мувофиқ, юқоридаги топишмоқ (чистон)да кўз “икки хона” – “дута хона” дея сифатланмоқда.

Шоирнинг яна бир чистони “чурғот”, яъни “суяқ қатик” (шева тили билан айтганда, “чакка” ҳақида:

Дар шохи дарахт овезон,
Виз-виз кунон обаш резон.
Шикамчааш холи шудасть,
Тагашба об чорӣ шудасть.
Обаш ранги зард дорад,
Хулаш ранги орд дорад.
Хўроки одамон аст,
Ба ҳар дарде дармон аст[1, 102].

Бу топишмоқ нафақат бадиий, балки этнографик моҳиятга эгаллиги билан ҳам кизиқарлидир. У орқали ёшлар қатикнинг қандай тайёрланиши билан боғлиқ жараёнлардан огоҳ бўладилар. Бинобарин, қатик тайёрланиши учун дастлаб сут ачитилади. У суяқ қатик ҳолига келгач, махсус халтага солиниб, дарахт шохига осиб қўйилади. Ундан сариқ зардоб ажралиб оқади. Зардобидан ажралиб, қуюлган масса оқ тусга киради. Шу кўринишда у истеъмол қилинади. Хуллас, мана шу воқелик мазкур чистонда ифода этилган.

Муаллифнинг “Суманак” номли эл орасида сумалак пишириш анъанасига бағишланган шеъри, аввало, халқ оҳангларида яратилгани билан эътиборни тортади. Маълумки, халқнинг сумалак ҳақидаги кўшиқлари, одатда, сумалакка мурожаат билан бошланади. Худди шунингдек, шоир Ғелоний ҳам ўз шеърини шу қутлуғ таомга мурожаат қилиш кўринишида битган:

Суманак, эй суманак,
Дар ду деги калонак.
Мечўшад биқир-биқир,

Дар гирдаш ҷавону пир[1, 23].

Ушбу шеърда шоир сумалакнинг катта ошқозонларда тайёрланишига, унинг атрофида ёшу қари жам бўлиб, қўшиқ ва рақслар ижро этишига, яхши тилаклар қилишига ишора қилиб ўтади. У ёзади:

Їавон бистсола шавад,
Бобо садсола шавад[1, 123].

Келтирилган ушбу мисраларда олқиш жанрининг стилизацияси кузатилмоқда. Чунки эзгу ният изҳори олқиш жанрига хос муҳим хусусиятдир.

Ғелонийнинг “Духтари ҷонам, куҷой?!” сарлавҳали шеъри халқнинг мотам маросими билан боғлиқ йўқлов кўшиқлари мазмуни, руҳи ва оҳангида яратилгани билан диққатни тортади. Бу шеър қуйидаги сатрлар билан якун топган:

Бо ту ҳаётим пур аз маъно буд,

Духтари ҷонам, гули хонадоним
куҷой?!”

Эй чарх, раҳм накардӣ ба аҳволи
Малик,

Фарзанди азиз аз ҷисму ҷонам,
куҷой?![1, 54]

Шеър мазмуни орқали шоирнинг фарзандидан эрта жудо бўлганини, бундан унинг қаттиқ руҳий изтироб чекаётганини англаш мумкин. Бу мавзунинг ижодкор яна ўзининг “Дилам пора-пора шуд”, “Туро дигар намеёбам” каби шеърларида ҳам ёритган.

Муаллиф “Туро дигар намеёбам” шеърини “марсия” деб атагани кузатилади:

Аё эй духтари ҷонам,

Будӣ дурӯза меҳмонам.

Маликат, эй малики ман,

Бароят марсият хонам[1, 51].

“Дилам пора-пора шуд” шеърда муаллиф тобутга нисбатан халқ орасида кенг тарқалган “чўбин от” бирикмасини қўллагани кузатилади:

Эй вой, бечора дилам пора-пора шуд,

Дарду ғаму ҳасратам беканора шуд.

Дарду алами Зилола кард маро адо,

Ҷони азизам ба аспӣ чўбин савора
шуд[1, 50].

Жуманазар Эшонзода (Эшонкулов) шеърларида ҳам фольклоризмлар: мақол,



матал, қўшиқ, ривоят каби қатор жанр ва шеърый шакллар бугунги лирик қахрамоннинг руҳий оламини очишга йўналтирилади. Унинг ушбу шеъри фикримизнинг ёрқин далилидир:

Наварўси субҳи фирўз омадаст,
Сабза бо домони гулдўз омадаст.
Куртаи атлас ба тан Модар-Замин,
Интизори шамси дилсўз омадаст.
Бо дили пурҳачр бо сабру шитоб,
Булбули хушхон чигарсўз омадаст.
Фарши зебо маҳфилорои дил аст,
Борбади ромишгар имрўз омадаст,
Бо сари таъзим ба сад нозу ниёз,
Лўъбатосо пайки Наврўз омадаст.
Омадӣ, хуш омадӣ, айёми ишқ,
Ишкро фархунда ин рўз омадаст[8,

34].

Гелонлик яна бир ҳаваскор ижодкор Шоназар Ҳақназаров миллати тожик бўлса-да, ўзбек тилида қалам тебратган. Унинг ҳам бир шеърида худди юқоридаги каби халқона иборалар асосида ўлим ҳодисасига муносабат билдирилгани кузатилади. Жумладан, у ёзади:

Илиқ сув билан ювсалар,
Ёқасиз тўн кийдирсалар,
Эгарсиз отга миндирсалар,
Минмаган одамни кўринг...[9, 65].

Ижодкор қўллаган “ёқасиз тўн” – кафан, “эгарсиз от” – тобут учун халқ орасида ишлатиладиган метафоралардир.

Шоназар Ҳақназаровнинг шеърый машқлари орасида “Фарзанд доғи ҳақида”, “Марсия” ҳамда “Наврўз муборак” каби шеърлари жанр ва мотив стилизациясига асосланган фольклоризмларни ўзида намоён этганлиги билан эътиборни тортади.

Ижодкор “Фарзанд доғи ҳақида” шеърида халқ йиғи ва йўқлов кўшиқларидаги каби ҳаётни, инсон умрини шамчиروقқа ўхшатган. Муқаддас исмли кизининг бевақт ўлимидан ўртанган

муаллиф, ҳеч кимса фарзанд доғини кўрмаслигини тилайди. Беғубор қизалоғининг жаннат боғларида юрганига ишонади.

Шоназар Ҳақназаровнинг “Марсия” номли шеъри икки қисмдан иборат бўлиб, у ҳаётдан бевақт кўз юмган набиралари Мансуржон ва Сафожонлар хотирасига бағишланган.

Ижодкорнинг “Наврўз муборак” шеъри наврўзий кўшиқларга хос олқиш руҳида яратилгани жиҳатидан диққатни тортади.

Наврўзликларда кўпинча гулларнинг очилиши, булбулларнинг хуш хонишлари, пурсаховат табиатнинг дилраболиги тасвирланади. Деҳқонободлик шоир Норхоҷа Чориев ҳам халқ кўшиқлардан илҳомланиб, Наврўз ҳақида шундай ёзади:

Баҳор омаду дар ҷаҳон ранг рехт,
Табиат навое хушоҳанг рехт.
Баҳор омаду дар чаман ранг зад,
Муғанний дар ин базми гул чанг зад.
Навои хуш андар фазо мавҷ зад,
Табиат биёмад ба ракси хирад.
Баҳор омаду лолаҳо бардаמיד,
Зи абри фазо ашки борон чакид.
Баҳор омаду шуд ҷаҳон ранг – ранг,
Зи оҳанг сабзид гул аз мағзи санг[5,

56]. Ёш шоир Меҳмон Нарзиқулов ҳам гелонликдир. Унинг қаламига мансуб бўлган “Ой Наврўз!”, “Эй дилбар”, “Гелон” каби шеърлар халқона кўшиқлар оҳангига яқинлиги кузатилади[4].

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан маҳаллий ҳаваскор тожикзабон шоирлар ўзлари яратган шеърый асарларда фольклор мавзу ва ғояларидан, образларидан, бадий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланиб, уларнинг халқчил бўлишига интилганлар.

Адабиётлар:

1. Абдумалики Ҳамидзодаи Гелонӣ. Гелони ман – ҷони ман. Маҷмӯаи шеърҳо. – Тошканд: Тафаккур қаноти, 2011. – 104 б.
2. Ёрматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-ч годов): Автореф. дисс. ...канд.наук. – Тошкент, 1985. – 24 б.



3. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 56 б.
4. Нарзиқулов Меҳмон. Дуъои модар. Маҷмӯаи шеърҳо. –Тошкент: Янги нашр, 2016. – 45 б.
5. Чориев Норхоҷа. Паёме аз жарфҳои сукут. Маҷмӯаи шеърҳо. – Самарқанд: Суғдиён, 1997. – 78 б.
6. Шарипова Лайло. X асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм. – Тошкент: Фан, 2011. – 152 б.
7. Ҷуманазар Эшонзода. Чашми дил. Маҷмӯаи шеърҳо. –Бухоро: “Бухоро”, 1997. – 68 б.
8. Ҷуманазар Эшонзода. Рози дил. Маҷмӯаи шеърҳо. –Бухоро: “Бухоро”, 1998. – 87 б.
9. Ҳақназаров Шоназар. Умр фасллари. Хотиралар, ҳикматлар, шеърлар. -Тошкент: MASHHUR PRESS, 2016. – 134 б.

Shernazarov A. Folklorisms in the works of local Tadjik poets in Kashkadarya valley. This article shows that folklore is one of the important literary factors which influences Tadjik poets of Kashkadarya region and promotes of the folklorisms.

Шерназаров А. Фольклоризми в творчестве местных таджикоязычных поэтов Кашкадарьинского региона. В данной статье рассматривается проблема влияния фольклора в творчестве местных таджикоязычных поэтов Кашкадарьинского региона как один из важных влиятельных литературных факторов.